

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

АХБОРОТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛТЕТИ

«Ахборот таълим технологиялари» кафедраси

Бойназаров И.М., Норқулов А.С., Маманазаров Б.Ж.

**Ахборот системаларини лойихалаштириш
фанидан**

Лаборатория машғулотларини ўтказиш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

САМАРҚАНД -2014

Бойназаров И.М., Норқулов А.С., Маманазаров Б.Ж. Ахборот системаларини лойihalаштириш фанидан лаборатория машғулотларини ўтказиш учун услубий кўрсатма - Самарқанд, ТАТУ СФ, 2014. – 54 бет.
5811300– Корхоналар сервиси (электрон ва компьютер техникаси), таълим йўналишларининг 4-босқич бакалавриат талабалари учун.

Тақризчилар: Муродов Ў.М. – ТАТУ самарқанд филиали «Ахборот технологиялари» кафедраси катта ўқитувчиси

Зайналов Н. – СамИСИ «Ахборот технологиялари» кафедраси мудири

Услубий кўрсатма ТАТУ Самарқанд филиали ўқув-услубий кенгашининг

2014 йил ____ - _____ № ____ қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Илмий-услубий кенгаш раиси: _____ доцент Жуманов Ф.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Лаборатория ишлари вариантлари	8
Лаборатория иши №1. Ассесс муҳотида маълумотлар базасини лойиҳалаш	9
1. Машғулот мақсади.	
2. Масаланинг қўйилиши.	
3. Масаланинг ечими.	
4. Ҳисоботларни ташкиллштириш.	
Лаборатория иши №2. Ассесс муҳотида маълумотлар базаси дастур интерфейсини лойиҳалаш	21
1. Машғулот мақсади.	
2. Масаланинг қўйилиши.	
3. Масаланинг ечими.	
4. Ҳисоботларни ташкиллштириш.	
Лаборатория иши №3. MS SQL муҳотида маълумотлар базасини лойиҳалаш	38
1. Маълумотлар базаси тўғрисида умумий маълумотлар.	
2. Масаланинг қўйилиши.	
3. Масаланинг ечими.	
4. Ҳисоботларни ташкиллштириш.	
Лаборатория иши №4. MS SQL туридаги маълумотлар базаси дастур интерфейсини лойиҳалаш	48
1. Маълумотлар базаси функциялари тўғрисида умумий тушунчалар.	
2. Масаланинг қўйилиши.	
3. Масаланинг ечими.	
4. Ҳисоботларни ташкиллштириш.	
Назорат саволлари	53
Адабиётлар	54

КИРИШ

Ҳозирги кунда компьютер технологияларини қўллашда кўпгина фойдаланувчилар учун ягона ахборот оламини таърифловчи ахборот тизимларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ахборот тизимлари ундан фойдаланувчиларни ахборот алмашинув воситалари ва аппарат, дастур ҳамда ахборот тармоғи ресурсларидан жамоа бўлиб фойдаланишни таъминлайди.

Ахборот тизимларини лойиҳалаш ва яратишда дастур таъминотлари алоҳида ўрин тутаяди. Дастур таъминотларида ярим аср мобайнида жуда катта ўзгаришлар вужудга келди: оддий мантиқий ва арифметик амалларни бажаришга қодир дастурлардан, то корхоналар бошқарувини мураккаб тизимларигача. Дастур таъминотларини ривожланиш босқичларида доим иккита йўналишни ажратиш мумкин:

- ҳисоблашларни бажариш;
- ахборотларни йиғиш ва ишлов бериш.

Дастлаб компьютерлар мураккаб математик ҳисоблашларни бажаришга мўлжалланган бўлсада, ҳозирги кунда иккинчи йўналиш етакчи бўлиб келмоқда.

Фан соҳаси бўйича ахборот тизимлари ўзининг функциялари, структураси, архитектураси ва қўлланилиши жиҳатидан жуда катта фарқ қилиши мумкин. Аммо умумий бўлган қатор хусусиятларни кўриш мумкин:

- ахборотларни йиғиш, сақлаш ва ишлов беришга мўлжалланган ахборот тизимлари. Шу сабабли унинг негизида маълумотларни сақлаш воситаси ва маълумотларга мурожат қилиш усуллари ётади.

- ҳисоблаш техникаларини қўлланилиш соҳасида юқори малакага эга бўлмаган фойдаланувчиларга мўлжалланган ахборот тизимлари. Бунда ахборот тизимларининг клиент дастурлари оддий, қулай ва осон ўзлаштириладиган дастур интерфейслардан иборат бўлиши керак. Бундай интерфейслар фойдаланувчига иш учун зарурий бўлган барча функцияларни тақдим этади ва бошқа ортиқча ҳаракатларни амалга оширишга имкон бермайди.

Шундай қилиб ахборот тизимларини қуришда иккита асосий масалани ечишга туғри келади:

- ахборотларни сақлашга мўлжалланган маълумотлар базасини яратиш масаласи;
- клиент дастурларининг фойдаланувчи интерфейсини яратиш масаласи.

Ушбу фанни ўқитилиши мобайнида ахборот тизимларини қуришни иккала масаласи ҳам кўриб чиқилади.

Ахборот тизимларининг лойиҳалаш фанининг асосий мақсади: тизимлар ва уларнинг компонентлари, тизимни ташкил этиш ва яратилиши, ахборот тизимларининг структураси ва факторлари бўйича синфланишини, тизимни ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини, ҳамда ахборот тизимларини инсон фаолиятининг турли соҳаларида

қўлланилиш асосларини ўрганишдан иборатдир. Фанда асосий эътибор ахборот тизимларининг телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида қўлланилишига қаратилгандир. Фаннинг яна бир асосий мақсадларидан бири - бу турли ахборот тизимларида кечадиган жараёнларининг роли ва характери тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилишдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларни ахборот тизимларининг техник тузилиши ва дастурий таъминоти билан таништириш ва бу воситаларни ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ишлари, ҳамда ўқув жараёнарига тадбиқ этиш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатишдан иборатдир

Маълумки, маълумотлар базаси (МБ) тушунчаси фанга кириб келгунга қадар, маълумотлардан турли кўринишда фойдаланиш жуда қийин эди. Ҳозирги кунга келиб бир неча турдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) яратилганки улар ўз дастурлаш тилларига ҳам эга бўлиб, улар ёрдамида маълумотлар базасини яратиш ва шу базадаги маълумотлар устида иш юритиш имкони мавжуд. Уларга Слиппер, Парадох, ФохПро, Орасле, Ассесс ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Бу МББТ ичида Ассесс энг содда ва фойданувчи учун қулай бўлган, Мисрософт Оффисе таркибига кирувчи дастурдир. Мисрософт Ассесс МББТ реляцион моделлар асосига қурилган бўлиб, унда тузиладиган МБ жадваллар кўринишида акс этади.

Ассесс да ишлаш технологияси:

Мс Ассесс икки хил режимда ишлайди:

- ❖ Проектирование (лойихалаш)
- ❖ Эксплуатация (амалий фойдаланиш)

МББТ кайси тартибда ишлашдан катъий назар, уни ишлатиш технологияси куйидагича намоён булади:

Фойдаланувчи–МБни маълум формада тулдиради, муайян запрос (суров) оркали кайта ишлайди ва натижаларни отчет (хисобот) тарзида ташкил килади. Биргина МБда миллионлаб фойдаланувчи иш юритади, аммо тузилмасига кул текизмайди. Фойдаланувчи асосан 6 та объектнинг 4 таси билан бемалол иш юритади. Хуллас, ушбу объектлар билан иш бажариш учун фойдаланувчи куйидаги тугмачалар билан иш юритиши мумкин:

- Открыть- танлаган объектни очади.
- Конструктор-танлаган объект тузилмасини очади.
- Создать- янги объектларни ташкил килади.

МБ нинг узига хос хусусиятлари: МБ нинг жадвали мустикал равишда хужжат була олмайди, аммо жадвал тузилмаси эса хужжат, бироқ Мисрософт Ассессда унинг учун алоҳида файл ажратилмаган. Жадвалдаги барча узгаришлар автоматик равишда *реал вақт режим*ида сакланади. Реал вақт режимда жадвал билан ишлаш жараёнида узлуксиз саклаш давом этади. Биринчи майдонга маълумотларни киритиш тухтатилгач, 2-майдонга утилади,

шу вақтда маълумотлар винчестрга ёзила боради ва автоматик равишда сақланади.

МБ жадваллари билан ишлаш жараёни:

1. МББТ ойнасининг пастки қисмида поля номера записи (номер ёзиш майдони) булиб, бунда майдонга утиш тугмалари бор (*жадвал буйича силжишни амалга оширади*).

2. Хар бир ёзув чап томонида ёзув маркери (маркер записи) тугмачасига эга. Шу тугмани боссак, ёзув ажратилиб куринади ва нусха олишга тайёрланади.

3. Ажратилган ёзувда сичконча унг тугмасини боссак, контекст меню мулоқот ойнаси чиқади ва унинг буйруклари орқали ёзув устида иш бажарилади.

4. Жадвалнинг чап томони юкори қисмида турган маркер жадвал маркери дейилади. Уни боссак, бутун жадвал ажратилиб куринади. Сичконча унг тугмаси босилса, контекст меню мулоқат ойнаси экранда пайдо булади. Унинг буйруклари билан жадвал устида иш юритилади.

Суровлар ташкил қилиш: МБ га кириш учун «Суров» дан фойдаланилади. Бу жараён МБ ойнасининг Запрос (Суров) булимида яратиш тугмасини босиш билан бошланади ва экранда куйидаги мулоқот ойнаси пайдо булади. МБ га кириш учун Запрос тузишнинг бир катор усулларини таклиф қилинади:

Конструктор - мустақил равишда янги суровлар тузиш.

Простой запрос (оддий суров) - мавжуд аниқ майдонларни танлаб олиш йули билан суровлар тузиш.

Перекрестный запрос (киёсий суров) - МБ да мавжуд булган бир нечта жадвал ва суровларни чапишмасидан янги суровлар яратиш.

Повторяющиеся записи (такрорланувчи ёзувлар) жадвалда ёки суровларда такрорланувчи ёзувларни кидириб топиш учун суровлар тузиш.

Записи без подчиненных (богланмаган ёзувлар) жорий жадвалга мос келмайдиган ёзувларни кидириб топиш учун суровлар тузиш.

Хуллас, Запрос ёрдамида асосий МБдан натижавий (фойдаланувчини кизиктирган) жадвал ташкил қилиш ва уни қайта ишлаш имконияти пайдо булади. Запрос билан ишлаганда маълумотларни саралаш (фильтрдан утказиш), жамлаш, ажратиш, узгартириш мумкин. Аммо бу амал хар бажарилганда асосий МБ да хеч қандай узгариш содир булмади. Бундан ташқари, Запрос ёрдамида *«натижаларни хисоблаш»*, урта арифметик қийматини топиш, йигинди хосил қилиш ёки бирор майдон устида математик амаллар бажариш мумкин.

Запрос хосил қилишнинг турлари куп. Аммо энг куп кулланиладигани *Запрос на «выборка» (Ажратишни ташкил қилувчи суров)* Ассесда “Суров” ташкил қилишнинг 3 та усули мавжуд: *автоматик равишда, қулда ва мастер (уста) ёрдамида*.

Запрос ташкил қилиш учун махсус SQL(Струстуред Query Лангуаге) тили мавжуд, аммо бу тилда ишлаш анча мураккаб, шунинг учун ҳам Ассес да

махсус «Намунавий суров бланки» ташкил килинган. Бунда Запрос элементларини ойналараро ташиш оркали амалга ошириш мумкин. МБ га Запрос билан кириш «Создать» тугмасини босиш билан амалга оширилади. Унинг мулокат ойнаси «Новый запрос» деб аталади (11.7-расм). Унда «Конструктор» режимида иш юритилади. Шунда МБ тузилмасидан керакли жадвал ва унинг майдонлари Запрос буйича танланади. Жадвал танлаш «Добавление таблиц» (Жадвал кушиш) мулокот ойнасида содир булади. Бунда МБдаги барча жадваллар руйхати бор. Ажратилган жадваллар бланкнинг юкори кисмига *Добавить* (Тулдириш) тугмасини босиш билан амалга оширилади.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ.

1. «Кафедра» ахборот тизимини лойихалаштириш;
2. «ТТЖ» ахборот тизимини лойихалаштириш;
3. «Паспорт столи» ахборот тизимини лойихалаштириш;
4. «Провайдер» ахборот тизимини лойихалаштириш;
5. «Ўқув бўлими» ахборот тизимини лойихалаштириш;
6. «Деканат» ахборот тизимини лойихалаштириш;
7. «Кутубхона» ахборот тизимини лойихалаштириш;
8. «Кадрлар бўлими» ахборот тизимини лойихалаштириш;
9. «Мастер» ахборот тизимини лойихалаштириш;
10. «Тест» ахборот тизимини лойихалаштириш;
11. «Абонент» ахборот тизимини лойихалаштириш;
12. «Радиотехника» ахборот тизимини лойихалаштириш;
13. «Аптека» ахборот тизимини лойихалаштириш;
14. «Бухгалтерия» ахборот тизимини лойихалаштириш;
15. «Декларант» ахборот тизимини лойихалаштириш;
16. «Склад» ахборот тизимини лойихалаштириш;
17. «Музей» ахборот тизимини лойихалаштириш;
18. «Касалхона» ахборот тизимини лойихалаштириш;
19. «Поликлиника» ахборот тизимини лойихалаштириш;
20. «Автопарка» ахборот тизимини лойихалаштириш;
21. «Аэропорта» ахборот тизимини лойихалаштириш;
22. «Аэрокасса» ахборот тизимини лойихалаштириш;
23. «ТЎЙ станцияси» ахборот тизимини лойихалаштириш;
24. «ТЎЙ касса» ахборот тизимини лойихалаштириш;
25. «Супермаркет» ахборот тизимини лойихалаштириш;
26. «ФХДЁ» ахборот тизимини лойихалаштириш;
27. «Диспетчер» ахборот тизимини лойихалаштириш;
28. «Топилмалар идораси» ахборот тизимини лойихалаштириш;
29. «Нотариус» ахборот тизимини лойихалаштириш;
30. «Ижара» ахборот тизимини лойихалаштириш;

ЛАБОРАТОРИЯ ҲИСОБОТИ

Талаба _____, _____ гуруҳ, _____ фани

Лаборатория №1

Лаборатория ишининг мавзуси: MS Ассесс муҳитида маълумотлар базасини лойиҳалаш.

Маишулот мақсади: Ассесс муҳитидан фойдаланиб маълумотлар базасини лойиҳалаш қоғозли хужжатларни электрон хужжатларга ўтказиш, маълумотларни киритиш, қайта ишлаш ва маълумотларни чиқаришни енгилаштириш, бундан ташқари ахборот айланишининг осонлаштиришига хизмат қилади.

Масаланинг қўйилиши: АТТ кафедраси профессор ўқитувчиларининг шахсий иш режаси ахборот тизимини MS Ассесс жадвали орқали лойиҳалаш

Масаланинг ечими:

1. Асосий тушунча ва унинг бажарилиш алгоритми;
2. Шахсий иш режаси ахборот тизимини лойиҳалаш босқичи;
3. Ечими: лойиҳалаш босқичининг кетма кетлигини кўрсатиш;
4. Хулоса;
5. Фойдаланилган адабиётлар;

Асосий тушунча ва унинг бажарилиш алгоритми. Маълумки, маълумотлар базаси (МБ) тушунчаси фанга кириб келгунга қадар, маълумотлардан турли кўринишда фойдаланиш жуда қийин еди. Ҳозирги кунга келиб бир неча турдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) яратилганки улар ўз дастурлаш тилларига ҳам эга бўлиб, улар ёрдамида маълумотлар базасини яратиш ва шу базадаги маълумотлар устида иш юритиш имкони мавжуд. Уларга Слиппер, Парадох, ФохПро, Орасле, MS Ассесс ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Бу МББТ ичида Ассесс энг содда ва фойданувчи учун қулай бўлган, Мисрософт Оффисе таркибига кирувчи дастурдир. Мисрософт Оффисе МББТ реляцион моделлар асосига қурилган бўлиб, унда тузиладиган МБ жадваллар кўринишида акс этади.

МБни лойиҳалаш ва жадвал структурасини тузиш. МБни лойиҳалаш предмет соҳасини тавсифлаш асосида амалга оширилади. МБ учун зарур бўлган бу тавсифлаш предмет соҳасини ифодаловчи объект ва жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Маълумотлар базасини яратиш учун авваламбор унинг структурасини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун МБда майдоннинг қуйидаги элементларини аниқлаш керак бўлади:

Майдон номи - МБ жадвали устунлари номини аниқлайди.

Майдон тури - МБ жадвали устунларига қандай турдаги маълумотларни ёзиш мумкинлигини аниқлайди. Майдон турлари қуйидагилар билан аниқланади:

“Текстовый”- символли (матнли) қийматларни билдириб, унинг узунлиги 255 тагача бўлиши мумкин;

“Числовой” сонли қийматларни билдириб, унинг диапазони- $10^{307} \div +10^{308}$

“Дата/время” сана/вақт қийматини билдиради;

“Логический” мантиқий қийматни билдириб, **“True”** ва **“False”** қийматларни қабул қилади;

“Поля Мемо” мемо (изоҳли) бўлиб қаторли қийматларни қабул қилади, ҳар бир қатор 255 тагача символ олиши мумкин. Мемо маълумотлари махсус файлларда сақланади.

“OLE объект майдони” ташқи объектларни жойлаштириш учун хизмат қилади. Масалан: фотография, видеоёзув ва музика фрагментлари.

Майдон ўлчами - МБ жадвали устунига киритиладиган маълумотларнинг узунлик ўлчовини аниқлайди. Белги (символ) ёки сонларнинг максимал сони.

Саҳифаларни лойиҳалаш. Страницы объекти маълумотлар билан боғланишнинг янги бир кўриниши бўлиб, у интернет тармоғига маълумотлар базасини Web саҳифа кўринишида жойлаштиришда ишлатилади. Страницы объекти ўзида ҳар хил бошқариш элементларини олган бўлиб, фойдаланувчи учун интерактив режимни, маълумотларни кўриш, киритиш ва таҳрирлашни таъминлайди. Страницы объекти файлни .html форматида сақлайди.

Саҳифани ташкил қилишни ҳар хил усулларда амалга ошириш мумкин:

Конструктор страницы доступа -бошқариш элементлари ёрдамида саҳифани тузиш;

Мастер Страницы доступа –саҳифани автоматик равишда ташкил етиш;

Автостраница в столбец –саҳифанинг оддий варианты.

Саҳифани тузишда қуйидаги бошқариш элементлари ишлатилади:

1.Матн майдони ёки киритиш майдони -маълумотлар базасининг таблицасига мос майдонлар ва ҳисоблаш майдонлари.

2.Ёзувлар -МБ нинг таблица ва запрослари билан боғлиқ майдонлар тўплами.

3.Guruhlar -ёзувларни бирлаштиради.

4.Жамланма рўйхат -жамланган маълумотларни жадвал кўринишда тасвирлайди.

5.Олар - сервер МБдан катта ҳажмдаги маълумотларни ажратиб олади. Олар-куб -кичик ҳажмдаги маълумотларни ажратиб олади.

6.Электрон жадвал -Ексел иш китобида варағидаги маълумотларни таҳрирлашни таъминлайди ва маълумотларни ҳисоблаб қайта ишлаш учун формулалар тузади.

Профессор ўқитувчиларнинг шахсий иш режасида бир қанча юкламалар мавжуд бўлиб, биз уларнинг ичидан фанларнинг тақсимоти(маъруза, амалиёт, лаборатория), БМИ нинг тақсимланиши масаласини лойиҳалаштирамиз.

Дастлаб профессор ўқитувчиларнинг юкламасидан ҳар бир ўқитувчига юкланган аудитория соати, фанларнинг маъруза, амалиёт ва лаборатория машғулоти учун ажратилган аудиторияда соати ва фанлар номи, бундан ташқари битирувчи курс БМИ нинг профессор ўқитувчиларга бириктирилиши ва тақсимланиши масаласини лойиҳалашни ва алгоритмининг бажарилишини қуйидагича амалга ошираамиз.

Лойиҳалашни бажаришда шу нарсаларга эришилиш керакки, бунда **профессор ўқитувчининг шахсий иш режаси** ахборот тизими учун яратилган жадваллар ушбу МБ учун форма, сўров ва интерфейс яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак.

Бунинг учун профессор ўқитувчиларнинг шахсий иш режасини кўриб чиқамиз, бизга биринчи навбатда профессор ўқитувчиларнинг рўйхати керак бўлади.

Ахборот таълим технологияси Профессор ўқитувчиларнинг рўйхати				
Т/р	Ф.И.Ш	лавозими	Илмий даражаси	штат бирлиги
1.	Бойназаров И	доцент	т.ф.н	1.0
2.	Маманазаров Б	ассистент	-	1.0
3.	Джумаев С	ассистент	-	1.0
4.	Шодмонов Д	катта ўқитувчи	-	1.0
5.	Норқулов А	ассистент	-	1.0
6.	Дониёрова А	ассистент	-	0.25
7.	Ирисбоева М	катта ўқитувчи	-	0.75

Профессор ўқитувчиларга юкланган кафедрада мавжуд фанларнинг маъруза, амалиёт лаборатория машғулоти бўйича тақсимотини тузиб чиқамиз

Фанлар тақсимоти жадвали қуйидагича:

Ахборот таълим технологиялари кафедрасида ўтиладиган фанлар рўйхати				
Т/Р	Фан номи	маъруза	амалиёт	лаборатория
1	МББТ	36	18	18
2	МФЎМ	32	32	-
3	Талим технологиялари	36	36	-
4	Корпоратив тармоқ	46	-	12
5	Ах сист лой	32	32	14
6	Пед веб дизайн	42	46	-
7	Пед дас воситалар	42	46	-

8	Информатика ўқитиш методикаси	36	36	-
9	Педагогика	32	32	-
10	Психология	32	32	-
11	Веб дастурлаш	36	18	18
12	SQL технологиялари	42	46	-
13	Масофавий талим технологиялари	30	14	10
14	Тех ва дас воситалар	36	36	-
15	Валеология	36	36	-
16	КТМ	32	38	-
17	Ахборот тизимлари	32	18	14
18	Консалтинг асослари	18	18	18

Шундан сўнг кафедрага бириктирилган битирувчилар сони битирувчиларнинг ФИШ, гуруҳи ва БМИ мавзулари бўйича тақсимот жадвалини тузиб чиқамиз, бунда ҳар бир талабанинг қайси профессор ўқитувчига бириктирилганлиги ва БМИ учун ажратилган соати қаралади.

БМИ рўйхати қуйидагича


Т/Р	Ф.И.Ш	гуруҳ	БМИ мавзуси
1	Қурбонов Б	403	Маълумотлар базаси жадвалларини Word иловасига экспорт қилишнинг дастурий воситасини ишлаб чиқиш.
2	Раджабова	402	«Талаба рейтинги ойнаси» электрон маълумотнома тизимини ишлаб
3	Мустафоева	412	Профессор-ўқитувчиларнинг «Шахсий иш режаси» маълумотлар базасини шакллантирувчи дастурий восита ишлаб чиқиш
4	Джўраев А	401	Kafedra илмий тадқиқот ишлари режасининг бажарилишини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш
5	Ғаффоров Ш	412	Моодле тизими учун «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанидан мултимедиали электрон ўқув курс ишлаб чиқиш
6	Араббоев Ж	407	Компютерли ўқитиш тизими учун «Мултимедиа тизимлари ва технологиялари» фанидан электрон ўқув ресурсини ишлаб чиқиш.
7	Темирова Г	407	Информатика фанини ўқитиш методикаси фанидан мултимедиали электрон ўқув қўлланма яратиш
8	Суванов З	408	Компютер сервис хизматларини кўрсатиш бўйича ўргатувчи дастур ишлаб чиқиш
9	Ғайбуллаева	408	«Таълимда ахборот технологиялари» фанидан

			мултимедиали электрон ўқув-услугий мажмуа яратиш.
10	Абдукаримов а Х	409	Таълимни глобаллашуви шароитида тармоқли ўқитиш технологияларидан фойдаланиш
11	Абдураззоқов	404	Қўлёзма шаклда берилган белгиларни танишнинг сунъий нейрон тармоғидан фойдаланишнинг услуб ва алгоритмлари
12	Рўзиев	413	Педагогик веб-дизайн фанидан электрон ўқув услубий мажмуа яратиш
13	Дехқонов	411	аълумотлар базаси инфологик схемасини ишлаб чиқишда анимацион воситаларни ишлатиш дастурий процедураларини яратиш.
14	Тўрақулова	407	Электрон тулов тизимларида кулланилаётган МББТда маълумотларнинг ишончли химояланиш даражасини аниқлаш дастурий воситасини ишлаб чиқиш
15	Лутфуллаев	406	АКТ йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнида он-лине ва офф-лине технологияларидан фойдаланиш методикаси
16	Абруев	408	«Касб таълими методикаси» фанидан педагогик дастурий восита яратиш
17	Абдурахмонов	412	Моодле платформаси асосида ўқув жараёнига кўллаш учун интерактив тестлаш тизимини ишлаб чиқиш.
18	Рўзиқулов	407	Касбий педагогик фаолиятига кириш фанидан электрон ўқув услубий мажмуа яратиш
19	Туропов	408	Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ахборот тизимини ишлаб чиқиш


Биз профессор ўқитувчиларнинг шахсий иш режасидаги юкламалар тақсимланишини кўриб чиқдик. Енди ушбу ахборот тизимининг MS Access 2003 да лойиҳаланишини кўриб чиқамиз. MS Access нинг бир қанча версиялари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидан MS Access 2007/2010 версиялари мавжуд. MS Access 2007/2010 бир мунча интерфейсга бой ва тайёр шаблонларга эга бўлсада, MS Access 2003 да ишлаш бир мунча осон ва қулайдир.


MS Access 2003 да маълумотлар базасини тузишнинг бир неча усуллари мавжуд. Улардан энг универсал осон усулини жадвал орқали лойиҳалашни кўриб чиқамиз. Бу усул қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:


1. МБ ойнасида Таблица объекти ишга туширилади.




ва куйидаги ойна хосил бўлади.

2. Инструментлар панелидан  буйруғи берилади. Экранда янги жадвал номли мулоқот дарчаси чиқади.



3. Агар жадвал структурасини ўзингиз тuzмоқчи бўлсангиз мулоқот дарчасидан  **Конструктор** режими танланиб, Ок тугмаси босилади. Жадвал структурасини киритиш учун дарча чиқади.




бу ерда  яратиладиган устунлар номи кўрсатилади ҳамда

 эса устунларларга киритиладиган маълумотлар тури кўрсатилади.


4. Жадвал структурасида майдон номи, тури, унинг тавсифи ва хоссалари кетма-кет берилади.

	Имя поля	Тип данных
?		Счетчик
	FISH	Текстовый
	lavozimi	Текстовый
	ilmiy darajasi	Текстовый
	shtat birligi	Текстовый

5. Конструктор ойнаси бекитилади.




6. Жадвал номи киритилади



ва сақланади.

Биз MS Ассесс 2003 да жадвалларни киритамиз ва улар куйидаги кўринишда бўлади:



Шуни такидлаш жоизки MS Ассесс да бирор бир ахборот тизимини лойиҳалашда МБ га тегишли жадваллар яратилади ва ҳар бир жадвалда бир-бирига ўхшамаган майдонлар киритилади ҳамда жадваллар бир-бири билан малум майдонлари орқали боғланади.

Боғланадиган майдонни шундай танлаш керакки натижада сўровлар яратилганда қидирилайётган маълумотларни чақириб олиш имкони пайдо бўлади.

Бизнинг профессор ўқитувчининг шахсий иш режаси ахборот тизимини лойиҳалаш масаламизда асосий бўлган жадвал ” ўқитувчилар

рўйхати” ва “БМИ тақсимоти”, “фан(маруза)”, “фан(амалиёт)”, “фан(лаборатория)” жадваллари мавжуд бўлиб, бу жадваллар қуйидаги

майдон

id	Счетчик
----	---------

 орқали боғланади, яни

”ўқитувчилар рўйхати” жадвалининг ушбу майдонига қийматлар киритилади ва ҳар бир қиймат ”ўқитувчилар рўйхати” жадвалидаги ушбу


ISH	Текстовый
-----	-----------

 майдон қийматларига мослаштирилади.

Дастлаб биз ўқитувчилар рўйхати жадвалини тузамиз ва у MS Access 2003 да қуйидаги кўринишда бўлади:

	Имя поля	Тип данных
🔑	id	Счетчик
	FISH	Текстовый
	lavozimi	Текстовый
	ilmiy darajasi	Текстовый
	shtat birligi	Текстовый

Бу жадвал ўқитувчилар рўйхати жадвалининг MS Access 2003 даги кўринишидир



id	FISH	lavozimi	ilmiy darajasi	shtat birligi
1	Boynazarov I	dotsent	t.f.n	1,0
2	Mamanazarov B	assistent	yo'q	1,0
3	Djumayev S	assistent	yo'q	1,0
4	Shodmonov D	katta o'qituvchi	yo'q	1,0
5	Norqulov A	asistent	yo'q	1,0
6	Doniyorov A	asistent	yo'q	0,25
7	Irisboyeva M	katta o'qituvchi	yo'q	0,75

Сўнгра навбатдаги **фанлар тақсимоти** жадвалини яратишимиз учун худди **ўқитувчилар рўйхати** жадвалини яратганимиз каби амалга оширилади, бу эса қуйидагича кўринишга эга бўлади.

Биз бу ерда **фанлар тақсимоти** жадвалини қуйидаги учта жадвал “фан(маруза)”, “фан(амалиёт)”, “фан(лаборатория)” жадваллари учун алоҳида яратамиз. Бу эса бизга жадвалларни бир-бирига боғлашда сўровлвр яратишда ҳамда формалар ҳосил қилишда қулайлик туғдиради ва лойиҳада ортиқча ахборот хажмининг қисқариши ва вақт тежалишига олиб келади.

Дастлаб фанларнинг маруза бўйича тақсимоти ва аудитория соатларига тақсимланишини жадвалини ҳосил қиламиз.

Бу жадвал “фан(маруза)” деб номланади.

	fan nomi	soati
▶	MBBT	36
	MFO'M	32
	Talim texnologiy	36
	Kor tarm arx	46
	Ax sist loy	32
	Ped web diz	42
	Ped das vos	42
	Inf o'q met	36
	Pedagogika	32
	psixologiya	32
	Web dasturlash	36
	SQL texnologiya	42
	Masofaviy talim	30
	T va DVI	36
	Valeologiya	36
	KTM	32
	Axborot tizimlar	32
	Konsalting asos	18
*		0

Кейинги жадвалимиз фанларнинг амалиёт бўйича тақсимооти ва аудитория соатларига тақсимланишини жадвалини хосил қиламиз.

Бу жадвал “фан(амалиёт)” деб номланади.

	fan nomi	soati
▶	MBBT	18
	MFO'M	32
	Talim texnologiy	36
	Ax sist loy	32
	Ped web diz	46
	Ped das vos	46
	Inf o'q met	36
	Pedagogika	32
	psixologiya	32
	Web dasturlash	18
	SQL texnologiya	46
	Masofaviy talim	14
	T va DVI	36
	Valeologiya	36
	KTM	38
	Axborot tizimlar	18
	Konsalting asos	18
*		0

Навбатдаги жадвалимиз фанларнинг лаборатория бўйича тақсимооти ва аудитория соатларига тақсимланишини жадвалини хосил қиламиз.

Бу жадвал “фан(лаборатория)” деб номланади.

	fan nomi	soati
▶	MBBT	36
	Kor tarm arx	46
	Ax sist loy	32
	Web dasturlash	36
	Masofaviy talim	30
	Axborot tizimlar	32
	Konsalting asos	18
*		0


Навбатдаги жадвалимиз фанларнинг БМИ бўйича тақсимооти жадвалини хосил қиламиз.

Бу жадвал “*БМИ тақсимооти*” деб номланади.

talaba FISH	guruhi	BMI mavzusi
Qurbonov B	412	Ma'lumotlar bazasi jadvallarini Word ilovasiga eksport qilishning dasturiy vositasini ishlab chiqish.
Radjabova	423	«Talaba reytingi oynasi» elektron ma'lumotnoma tizimini ishlab
Mustafoyeva	405	Professor-o'qituvchilarning "Shaxsiy ish rejasi" ma'lumotlar bazasini shakllantiruvchi dasturiy vosita ishlab chiqish
Djo'rayev A	408	Kafedra ilmiy tadqiqot ishlari rejasining bajarilishini nazorat qilish tizimini ishlab chiqish
G'afforov Sh	410	Moodle tizimi uchun "Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi" fanidan multimediali elektron o'quv kurs ishlab chiqish
Arabboyev J	412	Kompyuterli o'qitish tizimi uchun "Multimedia tizimlari va texnologiyalari" fanidan elektron o'quv resursini ishlab chiqish.
Temirova G	414	Informatika fanini o'qitish metodikasi fanidan multimediali elektron ukuv kullanma yaratish
Suvanov Z	416	Kompyuter servis xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha o'rgatuvchi dastur ishlab chiqish
G'aybullayeva	411	"Ta'limda axborot texnologiyalari" fanidan multimediali elektron o'quv-uslubiy majmua yaratish.
Abdulkarimova >	401	Ta'limni globallashuvi sharoitida tarmoqli o'qitish texnologiyalaridan foydalanish
Abdurazzoqov	403	Qo'lyozma shaklda berilgan belgilarni tanishning sun'iy neyron tarmog'idan foydalanishning uslub va algoritmlari
Ro'ziyev	402	Pedagogik veb-dizayn fanidan elektron o'quv uslubiy majmua yaratish
Dehqonov	405	Ma'lumotlar bazasi infologik sxemasini ishlab chiqishda animatsion vositalarni ishlatish dasturiy protseduralarini yaratish.
To'raqulova	408	Elektron tulov tizimlarida kullanylalotgan MBBT da ma'lumotlarning ishonchli ximoyalanih darajasini aniklash dasturiy vositasini ishlab chikish
Lutfullayev	409	AKT yo'nalishidagi fanlarni o'qitish jarayonida on-line va off-line texnologiyalaridan foydalanish metodikasi
Abduyev	408	«Kasb ta'limi metodikasi» fanidan pedagogik dasturiy vosita yaratish
Abduraxmonov	408	kafedra saytini yaratish
Ro'ziqulov	409	Moodle platformasi asosida o'quv jarayoniga qo'llash uchun interaktiv testlash tizimini ishlab chiqish.

Профессор ўқитувчининг шахсий иш режаси ахборот тизимини лойиҳалаш масаласи учун юқорида келтирилган жадваллар яратилди .

Жадваллар MS Ассесда қуйидаги тартибда жойлаштирилди.



Хулоса. Демак қўйилган масаламизнинг MS Access 2003даги лойиҳасини хосил қилдик ва бу жадваллар орқали керакли сўрўвлар ва макросларни осонгина яратиш ва малумотларни тартиблаш, Бундан ташқари маълумотлар базаси жадвалларида сақланаётган мавжуд маълумотлардан самарали фойдаланиш учун керакли ахборотларни ажратиб олиш ва тартиблашни ўрганиш ҳамда керакли маълумотларни ажратиб олишда сўровлардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Назорат учун саволлар

- Маълумот нима?
- Берилганлар базаси нима?
- Маълумотлар базасини бошқариш тизими нима?
- Маълумотлар базасини лойиҳалаш нима?
- MS Access дастури нима вазифани бажаради?
- MS Access дастури қандай ишга туширилади?
- Access объектлари нималардан иборат?
- Майдон нима?
- Майдон номига қандай талаблар қўйилади?
- Ёзув нима?
- Жадвал таркиби қандай тузилади?
- Жадвал нима ва у қандай ташкил қилинади?

А д а б и ё т л а р

1. Сеннов А. Access 2003. Практическая разработка баз данных. Учебный курс. М. "ПИТЕР", 2005г.
2. Григорьев Ю.А., Ревунков Г.И.. Банки данных. М.: Изд. МГТУ им. Баумана, 2002.
3. Роб П. Системы баз данных: проектирование, реализация и управление (5-е издание) издательство "БХВ - Санкт-Петербург" ·1200 стр, 2003 г. .
4. Григорьев Ю.А., Плутенко А.Д.. Жизненный цикл проектов распределенных баз данных. Благовещенск АмГУ, 1999.

ЛАБОРАТОРИЯ ҲИСОБОТИ

Талаба _____, _____ гуруҳ, _____ фани

Лаборатория №2

Лаборатория ишининг мавзуси: Ассесс муҳитида маълумотлар базаси дастур интерфейсини лойихалаш.

Маишулот мақсади: Ассесс муҳитидан фойдаланиб маълумотлар базасининг дастур интерфейсини лойихалаш, лойихалашни сўровлар орқали ташкил этиш ҳамда маълумотларни киритиш ва чиқаришни формалар орқали ташкил этиш, бундан ташқари энг самарали усул билан маълумотларни қайта ишлаш.

Масаланинг қўйилиши: АТТ кафедраси профессор ўқитувчиларининг шахсий иш режаси ахборот тизимини MS Ассесс дастури ёрдамида дастур интерфейсини лойихалаши

Масаланинг ечими:

6. Асосий тушунча ва унинг бажарилиши алгоритми;
7. Шахсий иш режаси ахборот тизимининг дастур интерфейсини лойихалашнинг яратилилиши босқичлари;
8. Ечими: Дастур интерфейсини лойихалаши босқичининг кетма кетлигини кўрсатиши;
9. Хулоса;
10. Фойдаланилган адабиётлар;

Асосий тушунча ва унинг бажарилиши алгоритми.

Сўровлар ва уларни лойихалаши: Ассесс ўзида бир неча сўров воситаларини мужассамлаштирганки, бу воситалар ёрдамида МБ дан берилган сўровнома асосида жавоблар олиш мумкин. МБ дан керакли маълумотларни ажратиб олишда Запрос объекти муҳим ўрин тутди.

Фильтрлар ёрдамида ҳам маълумотларни ажратиб олиш мумкин. Запрос объекти сўровларни сақлаш ва уларни қайта ишлатиш имконини беради.

Ассесс Запрос объекти икки хил сўровнома тайёрлаш усулига эга:

- мастер ёрдамида;
- конструктор ёрдамида.

Мастер ёрдамида МБга сўровнома қадамба-қадам бажарилади. Тўртта мастер сўровнома тузиш воситаси мавжуд.

- оддий сўровнома (Query Wizard);
- кесишувчи оддий сўровнома (Srostab Query Wizard);
- қайтарувчи сўровнома (Find Duplicate Query Wizard);
- қарашлисиз ёзувлар (Find Unmatched Query Wizard).

Конструктор ёрдамида фақат сўровнома тузишдан ташқари уни модификация қилиш (такомиллаштириш) ҳам мумкин.

Мастер ёрдамида сўровнома тайёрлаш. Оддий сўровнома тайёрлаш учун қуйидаги кетма-кетликлар бажарилади:


1.МБ ойнасининг объектлар панелидан Запросы (Queries) объекти ишга туширилади.

2.Инструментлар панелидан «Создать» (New) буйруғи берилди. Экранда янги сўров (New Query) номли мулоқот дарчаси чиқади.

3.Мулоқот дарчанинг ўнг қисмидаги рўйхатдан Оддий сўровнома (Query Wizard) режими танланиб, Ок тугмаси босилади. Оддий сўровнома ойнаси чиқади.

4.Ойнадаги Таблицы/Запросы (Table/Queries) дан керакли жадвал номи танланади. Танланган жадвал майдонлари “Доступные поля” ойнасида чиқади.

5.“Доступные поля” ойнасидаги майдонлар рўйхатидан кераклиларини кўрсатиб, сичқонча тугмасини икки марта чиқиллатиш билан ўнг дарчага кўчирилади (ёки бир нечасини ажратиб бирданига чиқиллатиш керак бўлади).



6.Кетма-кет Далее буйруғи берилди.

7."Готово" буйруғи берилди ва ажратилган майдонлар бўйича сўров маълумотлар жадвали (бланкаси) чиқади.

8.Сўровнома ойнасидан чиқилиб, унинг номи берилди ва ёзиб чиқилади.

Сўровнома бланкаси жадвали устунларида майдон номлари берилган бўлиб, сатрларида қуйидагилар берилди:

- майдон номи (поле);
- жадвал номи (имя таблицы);
- тартиблаш (сортировка);
- экранга чиқариш (вывод на экран);
- ажратиб олиш шarti (условие отбора);
- ёки (или).

Ажратиб олиш шarti ва ёки (или) қаторларида шартлар бериш мумкин. Масалан, фақат фамилиялар ичидан “Ахмедов” фамилияларни ажратиб олиш керак бўлса, фамилия майдонининг ажратиш шarti қаторига “Ахмедов” сўзи ёзиб қўйилади. Агар майдонлар рақамли бўлса, шартларда >,<>= белгиларини ишлатиш мумкин. Масалан, >1. Унда фақат шу устундаги 1 дан катта бўлган ёзувларни ажратади.

Конструктор режимда "запрос"ни модификациялаш (такомиллаштириш). "Запрос" конструктори сўровнома макетини лойиҳалаш, жойлаштириш ва бошқариш элементларини ўзгартириш имконини беради. Бундан ташқари у майдонларни қўшиш, ўчириш, тартиблаш ва қайта номлаш имконини беради. "Запрос"ни модификациялашда унга янги ҳисоблаш майдонларини киритиш ҳам мумкин. Масалан, иккита $c1$ ва $c2$ майдон қийматларини қўшиб, янги ҳисоб майдонга ёзиш керак бўлса, майдонлар қаторининг янги устунига $[c1]+[c2]$ формуласи киритилади. Майдонда "Вычисление1": $[c1]+[c2]$ бўлади. "Вычисление1" сўзини бирор бир майдон номига алмаштириш мумкин.

Бир неча шартлардан биргаликда фойдаланишда Ор (или) ва Анд (или) мантиқий бирлаштиришлар ишлатилади. Ташқаридан МБга сўров бериш учун сўров бериладиган майдон устунининг "условия отбора" сатрига янги майдон [майдон:] киритилади. Масалан, МБдан керакли фамилия ҳақида маълумотни чиқариш керак бўлса, у ҳолда "Familiya" майдонининг "условия отбора" сатрига [Familiyani киритинг:] деган майдон киритилади. Натижада "запрос" ишга туширилганда экранда қуйидаги сўров чиқади.

Фамилияни киритинг:

Мавжуд "запрос"да янги майдонни қўшиш.

- 1."Запросы" объекти ишга тушурилади ва керакли "запрос" танланади.
- 2.Менюдан "Конструктор" режими ишга туширилиб, керакли сўровнома конструктор режимда очилади.
- 3.Майдонлар рўйхатидан керакли майдонларни сўровнома бланкасига олиб келиб қўйилади.
- 4.Сўровнома бланкаси (ойнаси) ёпилади.

"Запросы" ойнасидан майдонни ўчириш.

- 1.Сўровнома ойнасида ўчирилиши керак бўлган майдон устуни ажратилади.
- 2.Клавиатурадан Делете тугмаси босилади.

"Запрос"да ажратиб олиш шартларининг ишлатилиши

Ажратиб олиш шартлари майдон қиймати, маълум шарт ва ифодалар бўлиб, улар математик ёки мантиқий формулалар бўлиши мумкин. Ажратиб олиш учун "Запросы" бланкасида керакли майдон устуни билан қатор кесишмасидаги ячейкага келиб керакли шарт киритилади. Янги ажратиб олиш шартларини киритиш қайта запрослар бланкасини чақириб бажарилади.

МБ жадвалида ёзувларни тартиблаштириш

МБ жадвалини бирор майдонга нисбатан тартиблаш учун Инструментлар панелидан "Сортировка по возрастанию" буйруғи берилади. Ёзувлар шу майдондаги маълумотлар бўйича ўсиш тартибида жойлашади.

Формалар яратиш: Маълумотларни киритишда формадан фойдаланиш кўп қулайликларни беради. Ассесда яратилган ҳар бир форма маълумотларни киритиш учун махсус майдонлар, оддий танлаш тугмачалари ва буйруқ тугмачаларини ўз ичига олади.

1.МБ ойнаси объектлар панелидан Формы (Формс) бўлими ишчи режимга ўтказилади. Керакли жадвал ёки запрос танланади.

2.МБ ойнаси инструментлар панелидан Создать (New) буйруғи берилади.

3.Форма тузишни бир неча усулда бажариш мумкин. Лекин мастер ёрдамида форма тузиш энг оддий усул бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади.

- формага кирувчи майдонларни танлаш;
- форманинг ташқи кўринишини танлаш;
- форма расмини танлаш;
- форма номини танлаш.

4.Тайёрланган формани мавжуд маълумотларни кўришда ишлатиш мумкин.

Форма структураси бўлимлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бўлим ўз ичига бошқариш элементларини олади. Энг оддий форма бўлимлари билан танишиш учун Мастер ёрдамида тузилган формани Конструктор ражимида кўриш мумкин. Бунинг учун Ассеснинг бошқариш панелидан Вид буйруғини бериш керак. Бу ҳолда форма структурасида учта бўлим кўринади: форма сарлавҳаси; маълумотлар майдони; форма изоҳи. Маълумотлар майдони бошқариш элементларини ўз ичига олади.

Элементлар панелида сарлавҳани тузиш учун махсус бошқариш элементи мавжуд бўлиб унга “Надпись” дейилади. Агар бу бошқариш элементи сичқончада бир марта чиқиллатилса, форманинг сарлавҳаси пастида матн киритиш рамкаси пайдо бўлади. Унда исталган матн киритиш мумкин.

Форма тузишда Ассес фойдаланувчига форманинг бир қатор усулларини таклиф этади:

1. Конструктор - мустақил равишда янги форма тузиш.
2. Мастер - танланган майдонлар асосида автоматик равишда формалар тузиш.
3. Автоформа устун кўринишда - майдонларни битта устунга жойлаштирган ҳолда автоматик равишда форма тузиш.
4. Автоформа лентасимон - майдонларни автоматик лентасимон равишда жойлаштирган ҳолда форма тузиш.
5. Автоформа жадвалли - майдонлардан автоматик равишда жадвал шаклда форма тузиш.
6. Диаграмма - диаграммалар кўринишида формалар тузиш.

Формага ҳисоблаш майдонларини киритиш.

Формага янги қўшимча ҳисоблаш майдонларини қўйиш учун конструктор режимига кирилиб, инструментлар панелидан янги майдон олиниб формага қўйилади. Ҳосил қилинган майдонга “=” белгиси қўйилиб, кейин формула ёзилади. Майдонлар [] ичида ёзилади. Масалан, =[сони]*[баҳо]. Бу мисолда

“сони” майдонидаги қиймат “баҳо” майдонидаги қийматга кўпайтирилиб, янги очилган майдонга ёзилади. Форма майдонига ёзувлар бўйича умумий йиғинди ва шунга ўхшаш ҳисоблашларни ҳам бажарса бўлади. Масалан,
 $=\text{Сум}([\text{сони}]*[\text{баҳо}])$

Бу мисолда ҳамма “сони” майдонидаги қиймат ҳамма “баҳо” майдонидаги қийматга кўпайтирилиб, уларнинг йиғиндиси янги очилган майдонга ёзилади.

Формада янги ташкил қилинган майдонда мантиқий ҳисоблашларни ҳам бажарса бўлади. Масалан,

$=\text{ифф}([\text{сони}]>20;[\text{сони}]*[\text{баҳо}]*0,1;[\text{сони}]*[\text{баҳо}]*0,05)$

Бу мисолда агар “сони” майдонидаги қиймат 20 дан катта бўлса, $[\text{сони}]*[\text{баҳо}]*0,1$ ҳисоблаш, акс ҳолда $[\text{сони}]*[\text{баҳо}]*0,05$ ҳисоблаш бажарилиб, қиймат янги очилган форма майдонига ёзилади.

Ҳисоботлар тайёрлаш: Отчёт объекти ҳам формага ўхшаб кетади ва Запрос объекти натижаларини керакли формада тайёрлаш имкониятларини яратади.

Ҳисобот тузилмаси беш қисмдан иборат:

- ҳисобот сарлавҳаси;
- юқори колонтитул;
- маълумотлар жойлашган жой;
- қуйи колонтитул;
- ҳисобот эслатмаси.

Одатда, ҳисобот тузилмаси билан танишиш учун автоматик равишда ҳисобот ташкил қилиб, уни Конструктор тартибида очиш қулай. Бунда ҳисобот сарлавҳаси умумий сарлавҳани чоп этишни таъминлайди, юқори колонтитул қисмлари эса, сарлавҳага тегишли кичик сарлавҳачаларни ифодалайди. Маълумотлар майдонида эса бошқарув элементлари жойлаштирилиб, улар, асосан, маълумотлар базаси майдонлари мазмунини билдиради. Қуйи колонтитул қисмида худди юқори колонтитул каби бошқариш элементларига эга, Now функцияси билан вақтни ва Page() функцияси билан ҳисобот варақлари белгиланади. Ҳисобот эслатмасида эса ёрдамчи ахборотлар киритилади.

Макрос ва модул объектларида ишлаш: Макрос деб, маълум бир операциялар бажарувчи бир ёки бир неча макрокомандалар тўпламига айтилади. Масалан, формани очиш ёки отчётни печатга чиқариш каби буйруқларни бажаради. Макрослар айрим ҳолларда бажариладиган масалаларни автоматлаштириш учун ҳам қулайлик туғдиради. Макрос макрокомандалардан иборат бўлиб, у ишга туширилганда кетма-кет бажарилади. Уни тузиш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

- 1.МБ ойнасининг объектлар рўйхатидан Макросы объекти танланади.
- 2.МБ ойнасининг инструментлар панелидан Создать буйруғи берилади.
- 3.Биринчи ячейкага келиб, рўйхат очиш тугмаси босилади.
- 4.Рўйхатдан керакли макрокоманда танланади.

5.Изоҳлар устунида макрокомандага изоҳ берилади.

6.Кўшимча маълумотлар олиш учун макрокоманда аргументлари аниқланади.

7.Кўшимча бошқа макрокоманда киритиш учун кейинги қаторга ўтилади.

8.Макросга ном бериб чиқилади.


Масаланинг ечими: Маълумотлар базасининг дастур интерфейсини лойиҳалаш, тузиш, унинг сўровлари ва формаларини аниқлашдан ва ҳисоботларни ҳосил қилишдан бошланади. Янги маълумотлар базасини дастур интерфейсини лойиҳалашни кўриб чиқамиз. Бизнинг масаламизда *АТТ кафедраси профессор ўқитувчиларининг шахсий иш режаси ахборот тизимини MS Access дастури ёрдамида дастур интерфейсини лойиҳалаш* масаласи қўйилган.Бу қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:
